



КРЕДИТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ – ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА

Нарбаева Р.Д.

Қорақалпоқ давлат университети

“Математик анализ” кафедраси ассистенти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10000432>

ARTICLE INFO

Received: 05th Oktober 2023

Accepted: 12th Oktober 2023

Online: 13th Oktober 2023

KEY WORDS

Kredit-modul tizimi, zamonaviy kadrlar tayyorlash, ilmiy-ma'rifiy faoliyat, ta'lim vositalari, kadrlar tayyorlash sifati va samaradorligi.

ABSTRACT

Mazkur maqolada zamonaviy ta'lim darsini kredit-modul tizimi sharoitida shaffof asosda tashkil etish ta'lim sifati oshirish omili ekanligi ilmiy-metodik nuqtai nazardan asoslab berilgan.

Кредит-модуль таълим тизими муҳтида талабаларнинг ўқув фаолияти асосан касбий фаолият ва касбий тайёргарликни ривожлантиришга қаратилган бўлади. Бу талабаларни профессионал ўзини ўзи таъминлаш учун шарт-шароитлар тизимини яратиш йўли билан ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш учун омил бўлади.

Кредит-модуль тизими муҳтида ўқитишга инновацион ёндашувлардан бири сифатида кредит-модуль тизими таълим сифатини оширишга олиб келган кейинги ижобий жиҳатлари сарасига замонавий ўқув машғулотини самарали ташкил этишга катта урғи берилишидир.

Кредит-модуль тизими шароитида замонавий ўқув машғулотларни шаффоф тарзда ташкил этилиши таълим сифатини оширишнинг омилларидан бири саналади. Чунки, аксарият ОТМларида талабалар семестр бошида дарслар бошланиши арафасида фақат ўша семестрда ўтиладиган фанларнинг номи, уларни ўқитадиган ўқитувчилар исмлари, дарслар қайси пайт, қайси хоналарда ўтиши ҳақида маълумотга эга бўладилар холос. Талабаларга ушбу фанларнинг мақсадлари, уларни талабанинг мутахассис бўлиб этишишида тутган ўрни, талаба ушбу фанлар орқали қандай билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлиши кутилаётганлиги ҳақида маълумот деярли берилмайди, билмайдилар. Чунки амалиётда ОТМ фанлари ҳақидаги бундай маълумотлар талабаларга тизимли, яхлит ва шаффоф тарзда тақдим этилмайди.

Кредит-модуль тизими шароитида эса ҳар бир ўқитувчи ўзининг ҳар бир фани бўйича фан дастури (“syllabus”) га эга бўлади ва уни семестр бошида талабаларга тақдим этади. Фан дастурида ушбу фаннинг **мақсадлари**, унинг **таълим дастурида тутган ўрни**, талабанинг келажакдаги **касбий фаолияти учун аҳамияти**, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида нималар қила олиши, ушбу фан бўйича семестр



давонида ўрганиладиган мавзулар, талабалар фойдаланиши зарур ва мумкин бўлган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Агар фан танлов фани бўлса талаба учун бундай маълумотларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки, талаба фанни танлаш ёки танламаслик бўйича қарорга келиши учун фанни номини ёки уни ўқитадиган ўқитувчининг исмини билишни ўзига кифоя қилмайди. Талаба бундай қарорга келиши учун фан бўйича етарли маълумотга эга бўлиши керак [3; 45-б.].

Ушбу жараён олий таълим муассасаларида таълим-тарбия соҳасининг бошланғич асоси ўқув машғулоти ҳисобланганлиги учун, уни самарали ташкил этилишига замин яратади.

Кредит-модуль тизими шароитида таълим бериш таълимнинг самарадорлигини оширади, яъни, гуруҳда индивидуал ўқитиш аудитория машғулоти ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70 % гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70 % гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан ўз қобилиятлари даражасида ўзлаштиришига имкон яратади. Бунинг натижасида таълимнинг самарадорлиги таъминланади.

Ҳозирги пайтда педагогикада замонавий дарс ёки ўқув машғулоти тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий ўқув машғулоти, ўзи қандай дарс? деган савол туғилиши табиий. Ўқув машғулоти – олий таълимда таълимнинг асосий ташкилий шакли ҳисобланади, у доимий талабалар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир бўлиб, маъруза, амалий машғулоти, семинар, лаборатория, мустақил иш ва мустақил таълим кабилардан иборат бўлади.

Замонавий ўқув машғулоти – таълим берувчи талабанинг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий потенциалини ишга солиб, ривожланишини таъминлайди, талаба эса ўз навбатида билимларни чуқур ўзлаштиради ва рақоборбардаш кадр бўлиб етишиш ва комилликга интилади[1; 78-б.].

Кредит-модуль тизимида замонавий ўқув машғулотини ташкил этиш аудитория ва мустақил таълим соатларини тўғри тақсимланишига боғлиқ. Талаба ва ўқитувчиларда ушбу умумий ўқиш юкмасининг айнан қанча қисми дарс, аудитория соатларига тўғри келади, деган савол туғилиши мумкин. Кредит-модуль тизими қоидалари бу масала бўйича аниқ талаб ёки чегара белгиламаган.

Бунга кўп сабабларни келтириш мумкин. Масалан, таълим жараёнлари ёки модуль ҳар доим ҳам ўз таркибига аудитория соатларини қамраб олавермайди. Бунга мисол қилиб ўқув дастуридаги битирув амалиёти, диплом иши ва шу каби ўқиш элементлари ва модулларни келтиришимиз мумкин. Кўриб турганингиздек, бундай ўқиш элементларида аудитория соатлари бўлмайди.

Кредит-модуль таълим тизимида фаолият юритадиган ОТМ амалиётини таҳлил қилганимизда, уларнинг аксариятида аудитория соатига эга бўлган фан ва модулларда аудитория ва мустақил ўқиш соатлари нисбати ўртача 30 % га 70 % эканлигини кузатишимиз мумкин. Лекин ҳозирча бизда **40 фоизга 60 фоиз** деб қабул қилинди. Бу



нисбат бошқача қилиб айтганда, **1 : 1.5га тўғри келади**. Яъни, талаба муайян фан бўйича белгиланган ҳар бир соат дарс учун унга дарсдан ташқарида бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади.

Бунда ОТМ 1 кредит учун 30 соатлик ўқиш юкламаси белгилаган бўлса, ундан 12 соати ($30 \cdot 40\% = 12$) аудитория соатлари, 18 соати ($30 \cdot 60\% = 18$) эса талабанинг мустақил ўқиш соатларига тўғри келади. Ушбу тақсимот асосида 6 кредитлик фан ўқиш юкламасини аниқлайдиган бўлсак, талаба ушбу фан бўйича белгиланган кредитларни қўлга киритиши учун семестр давомида 72 соат ($(30 \cdot 6) \cdot 40\% = 72$) аудитория дарсларини, 108 соат ($(30 \cdot 6) \cdot 60\% = 108$) уйда ва кутубхонада мустақил ўқиш юкламасини бажариши керак бўлади. Кредит-модуль тизимида бир аудитория академик соат 45-60 минутга тенг.

Шунингдек, таълим-тарбия жараёнини сифати ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўқув машғулотининг таълим усул ва воситалари билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ. Бу ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчи инструментлардир. Баъзи ҳолларда талаба учун мўлжалланган таълим инструменти ўқитувчи учун ҳам талаб этилади. Танлаб олинган усул, шакл ва воситалар бир-бирини тўлдириши лозим. Таълим инструментлари хусусиятларига кўра босма, техник ва реал турларига ажратилади, булар ўз навбатида олти турга бўлинади. Булар:

маълумот олиш ва уларни қайта ишлаш учун – мантли (ўқув дастур ("syllabus"), махсус дарслик, маъруза матн, тарқатма материал ҳамда назорат варақалари);

умумий тасаввурни вужудга келтириш учун – тасвирли (фотосурат, чизма схема, жадвал, плакат ҳамда тасвирлар);

жараёнлар тўғрисида тасвир ва овоз орқали тасаввурни вужудга келтириш учун – аудиовизуал (видеофильм, компакт-диск, аудио кассета, Power Point материаллари, электрон дарсликлар);

тасвир ва матнни ёзиш, сақлаш учун – ёрдамчи (доска, пинборд доскаси, видеопроектор экрани билан, компьютер, флипчарт, видеомагнитофон, телевизорлар);

ўрганилаётган объектнинг модели орқали у ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун – модели (модель, макет, тренажер, муляжлар);

ўрганилаётган объектлар ҳақида ҳақиқий тасаввурни вужудга келтириш учун асбоб ускуна, станок, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ҳамда хом ашёлардан фойдаланиш мумкин.

Назарий дарсларда таълим берувчилар асосан мантли ва ёрдамчи воситалардан, амалий машғулотларда эса кўпроқ тасвирли ва реал воситалардан фойдаланилади.

Замонавий ўқув машғулотини ташкил этишнинг асосий мезонлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин. Хусусан:

ўқув машғулоти, талаба шахсига йўналтирилган, педагог ва талабанинг ўзаро фаол муносабатларига асосланган бўлади;

ўқув машғулоти, жараёни табақалаштириш ва шахсий қобилиятларига ёндашув асосида амалга оширилади;

ўқув машғулоти, талабанинг юқори даражадаги қизиқиши, хоҳишлари, ақлий фаоллиги, муваффақиятга эришувига қаратилади;



ўқув машғулоти, ўқув материали мазмунига кўра турли услублар, воситаларга суянади;

ўқув машғулотида талабанинг ақлий фаолиятини фаоллаштиришга эътибор қаратилади;

ўқув машғулотида талаба шахсиятини ривожлантиришга, биринчи навбатда, талабанинг ўзини-ўзи бошқара олишига қаратилган механизм тўлиқ ишга солиниб, шу орқали унинг билимга бўлган қизиқиш ва хоҳиши ортади;

ўқув машғулоти, сифати ва самарадорлигини таъмин этувчи назорат турларидан фойдаланилади;

ўқув машғулоти, вақтидан унумли ва мақсадли фойдаланилади;

ўқув материални осонлик билан енга олишга эътибор қаратилади;

ўқув машғулотида назария ва амалиёт ўзаро боғланишда талқин этилади.

Замонавий ўқув машғулоти белгилари асосий белгилари қўйидагича бўлади.

Яъни:

ўқув машғулоти тизимли ёндашув, талабанинг поғонама-поғона ривожланиши ҳамда тўлиқ ўзлаштириб олишини таъминлайди;

ўқув машғулоти жамиятнинг социал буюртмасини бажаришга йўналтирилган бўлади;

педагог ва талабанинг педагогик фаолияти педагогика ҳамда психологиянинг энг сўнгги ютуқлари асосида ташкил этилиши таъминланади;

ўқув машғулоти жараёнида талабанинг қизиқиши асосида таълимнинг ривожланиш вазифалари ҳал этиб борилади;

талабанинг билим олиш, ташаббускорлик, ижодкорликлари таркиб топтиради;

таълим мазмуни оптималлаштирилади ва ўқув машғулоти тузилмаси такомиллаштирилган бўлади;

ўқув мақсадлари аниқ, ўқув жараёни рангбаранг бўлади, бу эса ўқув машғулоти юқори савияда кучли эмоционал ҳолатда ўтилишига олиб келади;

ўқув машғулотида ўзаро алоқалар жадвал билан ўрнатилади.

Замонавий ўқув машғулоти ташкил қилишда фойдаланиладиган ўқув воситаларини қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

педагогик технологияни жорий этиш бўйича ташкилий воситалар;

ўқув технологиялари, ўқув-методик ва дидактик материаллар;

ахборот, ахборот-коммуникация ўқув технологиялари ва техник ўқув воситалари.

Замонавий ўқув машғулоти ташкил қилишда ташкилий воситаларга қўйидаги ҳужжатларни киритиш мумкин: биринчи курс талабаси учун эсдалик қўлланма; рейтинг тизими тўғрисида Низом; талабалар сафидан чиқариш ва кўчириш тўғрисида Низом; ОЎМТВнинг педагогик технологияни таълим жорий этиш тўғрисидаги буйруқлари.

Замонавий ўқув машғулоти ташкил этишда қўлланиладиган ўқитиш технологияларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

ўқув фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича материаллар;

таълим йўналишининг Давлат таълим стандарти, ўқув режа ва фан дастурлари, ишчи ўқув режа ва ишчи фан дастурлари;



математика фанларини ўқитишнинг методик системалари;
фанларнинг ўқув-услубий мажмуалари;
талаба мустақил иши ва мустақил таълим дастури ҳамда мазмуни;
ўқитувчи раҳбарлигида талаба мустақил ишини ташкиллаштириш режаси ва кўрсатмалар;

рейтинг назорати вазифалари ёки масалалари ҳамда тестлари;
амалий машғулотлар ўтказиш бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув машғулотлари лойиҳалари, маъруза конспектлари, тавсияномалар ва мустақил ишларни бажариш бўйича методик кўрсатмалар ва электрон дарсликлар.

Дидактик материаллар: етакчи файласуфлар, педагоглар ва психологлар томонидан ифодаланган, таърифланган ва шакллантирилган классик дидактик тамойиллар; ўқитиш технологиясида долзарб бўлган махсус методологик тамойиллар; талабани ўқитишга ёки ўрганишига йўналтирилган илмий тамойиллар.

Ахборот, ахборот-коммуникация технологияларига қўйидагиларни киритамиз: ахборот олиш билан боғлиқ бўлган барча нарсалар; кўргазмалар қўлланма, намойиш этилувчи ўқув материаллари; компьютер ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш; интернет.

Техник ўқув воситалари бу: компьютерлар; бошқа техник воситалар (интерфаол ёзув тахталари; кўпайтирувчи техника ва б.).

Ахборот ва техник ўқув воситаларидан фойдаланишдаги жадал илгари силжишлар қўйидаги ривожланиб бораётган муаммоларни намоён қилди:

ўқув жараёнининг ахборотлашуви ва компьютерлаштирилишининг тобора кенгайиб бораётганлиги, унинг сифатини назорат қилиш шакллариининг ривожланиб бориши;

ўқув ва ўқитиш технологиясидаги ўзгаришлар;

компьютер ва телекоммуникация технологияларининг ўқув жараёнидаги ахборот таъминотига таъсири.

Шунга кўра, қайд этамизки, кредит-модуль тизими шароитида ўқитишга инновацион ёндашувларлардан яна бири сифатида ахборот технологияларининг барча зарурий компонентларни ўз ичига олувчи ахборот воситаларисиз ривожлана олмайди. Бу компонентлар – билимлар базаси, ахборот ресурслари, ривожланган ахборот коммуникациялари ва ахборот сервис тизими, компьютерлар ва дастурий таъминот, энг асосийси информатика, ахборот технологиялари ва муҳандислиги билимлари ва соҳалари мутахассисларининг мавжудлигидир. Шунинг учун тегишли ўқув ахборот-таълим муҳитининг шаклланиши муҳим рол ўйнайди, бу эса бутун таълим тизимининг энг зарурий элементи бўлиб ҳисобланади. Ўқувни индивидуаллаштирашдан, ҳар бир талаба учун индивидуал таълим дастурини яратмасдан туриб узлуксиз таълимни амалга ошириш мумкин эмас. Бу нафақат ўқув режаларини, дастурларни, таълим жараёнини ташкиллаштириш тамойилларини ишлаб чиқишда янгича ёндашувларни, янгича ўқув ва ўқитиш усулларида фойдаланишни ва балки ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини таълимга кенг жорий этилишини ҳам талаб этади.

Ўқув фаолиятининг янгича турларига йўналтирилган кўпгина янгича ўқув усуллари ва ташкиллаштириш шакллари, эришилган янги таълим натижалари (ролли



ўйинлар, ўқув ва ўрганишга оид лойиҳалаштиришлар, модулли ўқув тизими ва блар) мавжуд бўлиб, уларнинг самардорлиги ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланилганда сезиларли даражада ошиши мумкинлигига гувоҳ бўламиз. Демак, улар фанлари ўқитувчиларининг касбий фаолият қуроллари мажмуига киритилиши зарур.

Кўйидаги воситаларни қўллагандан туриб таълим фаолиятини ўқув жараёнининг интенсификацияланиши ва оптималлашувини таъминловчи, сифат жиҳатидан янги, инновацион даражаларга олиб чиқиш мумкин эмас:

ўқув фаолиятини индивидуал ва жамоавий ташкиллаштирилишини бирлаштирилишига таянувчи (асосланувчи) масофавий ўқув технологиялари (кейс, Web-ўқув услуги, электрон почта, видеоконференция ва блар);

компьютерли, аппаратли (рақамли фото ва видео – камералар, сканерлар, медиапроекторлар, ахборотларни қабул қилиш ва визуаллаштириш учун мўлжалланган барча ускуналарни тезкор коммуникациялаш воситалари ва ҳ.к.) ва дастурий воситалар;

ахборот технологияларининг синтезланишига асосланувчи ўқув электрон нашрлар ва ресурслар (мультимедияли намоишлари (презентациялар), электрон дарсликлар, таълим муассасасининг Web-ресурслари ва ҳ.к.);

замонавий компьютерли ва интерфаол проекцияловчи техникалар (интерфаол ёзув тахтаси, полиэкран педагогик технология, видеоконференциялар учун мўлжалланган техникалар ва ҳ.к.)[1; 76-б.].

Ахборот-коммуникация технологиялари ўқув усуллари, ташкиллаштириш шакллари ва воситаларини интеграциялашда етакчи рол ўйнаши мумкин, уларнинг таълимга жорий этилиши эса – таълимни модернизациялашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Электрон дарсликлар, янги ахборот, информацион ўқув муҳити, ўқув телеконференциялар ва бошқа ресурслар, Интернет – буларнинг барчаси янги турдаги мустақил ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ва амалга ошириш воситаларидир. Аслида эса талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятига, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган янги ўқув ва ўқитиш муҳитини яратиш зарур.

Таълим-тарбия жараёнини сифати ва самардорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўқитишнинг шакли ва таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ.

Демак, ўқув машғулоти самарали ташкил этиш машғулоти жараёнида қўлланиладиган таълим инструментлари самардорлигига боғлиқлиги илмий-методик томондан асосли эканлиги кўринди.

References:

1. Зулфихаров И.М. Олий таълим муассасаларида математикадан ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш методикасини такомиллаштириш // Монография / Фарғона “Poligraf Super Servis”, Андижон. – 2019. – 100 б.



2. Тожиев М. Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш: Узлуксиз таълимда модулли технология // Монография / М.Тожиев, Б.Зиёмухамедов, Б.Ш.Усмонов, А.Ж.Хуррамов. Масъул муҳаррир: физика-математика фанлари доктори Қодиров М.Қ.; педагогика фанлари номзоди, доцент М.Баракаевнинг умумий таҳрири остида; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази. – Т.: «TURON-IQBOL», 2017. – 246 б.
3. Ўринов В.К., Умаров А. Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим Муассасаларида ECTS Кредит-Модуль Тизими: Асосий Тушунчалар ва Қоидалар. //Эл-юрт умиди жамғармаси ва Республика Олий Таълим Кенгаши. – Т.: 2020. – 64 б.